

Тақдирлов: Дунёга машҳур мусулмон

Image not found or type unknown



19:00 / 11.09.2021 2472

Нигериянинг Muslim News Nigeria газетаси 2020 йилги «Жаҳон мусулмон шахсияти» мукофотини Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғанга топширмоқчи. Бу ҳақда газета муҳаррири Рашид Абубакар ижтимоий тармоқларда ёзди. У бу хабарни #MNAwards2020 хештеги билан бўлишди. Ушбу мукофотни топшириш маросими 18 сентябр куни Лагосда бўлиб ўтади.

Эрдоған «Туркиянинг миллий қудрати ва иқтисодиётини» кучайтирди, дея таъкидлайди Абубакар. — Президент Эрдоған инсонпарварлик мақсадларини илгари суради ва дунё сахнасида мусулмонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Бу ҳақда «Анадолу» агентлиги хабар берди.

Нашр муҳаррири, шунингдек, газета коронавирусга қарши вакцина ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнаган туркиялик олим Угур Шоҳин ва унинг

рафиқаси Озлем Турежигга «Мусулмон соғлиқни сақлаш мутахассилари» мукофотларини топшириш ниятида эканлигини таъкидлади. Бундан ташқари Туркиялик футболчи Месут Ўзил ҳам «Дунёга машҳур мусулмон» мукофоти билан тақдирланади.